



Гумондан ҳазар қилинг! Гумон энг ёлғон сўздир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Гумондан ҳазар қилинг! Гумон энг ёлғон сўздир. Гап пойламанглар, гап ташиманглар ва бир-бирингизга ҳасад қилманглар, юз ўғирманглар ва нафратланманглар, Аллоҳ таолонинг ўзаро ака-ука бандалари бўлинглар!», дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонлар ўртасини бўлишга ва душман қилишга олиб борадиган баъзи амаллардан қайтариб, огоҳлантирмоқдалар. Улардан: 1. Гумон - ҳаёлга келган далилга асосланмаган тухмат. Унинг энг ёлғон сўз эканини баёнладилар. 2. Гап пойлаш - инсонларнинг авратини кўз ёки қулоқ билан излаш. 3. Жосуслик - яширин ишларни излаш. Кўпинча ёмонликни излашга ишлатилади. 4. Ҳасад - бошқаларнинг бир неъматга эришишларини ёмон кўриш. 5. Юз ўғириш - бир-биридан юз ўғириш, салом ҳам бермаслик ва зиёрат ҳам қилмаслик. 6. Нафратланиш - бошқаларга азият бериш билан бирга уларни ёмон кўриш, ўзидан қочириш, қовоғини солиш ва хуник тарзда учрашиш. Сўнгра мусулмонларни бир-бирлари билан аҳволларини ўнглайдиган буюк бир сўзни айтдилар: «Аллоҳ таолонинг ўзаро ака-ука бандалари бўлинглар!» Биродарчилик одамларни бир-бирига боғлайдиган алоқа бўлиб, бир-бирига муҳаббат ва улфатликни зиёда қилади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5332>

